
"МЕҲР ДАФТАРИ"даги ёшларнинг орзу-истаклари ушалди

Марғилон шаҳрида ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган "Меҳр дафтари"га киритилган болаларнинг муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш ҳамда уларнинг орзу-истакларини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш мақсадида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан бугун мазкур дафтarda бўлган ёшларнинг 4 нафарига компьютер ҳамда 2 нафарига тикув машиналари топширилди.

Шаҳар ҳокими А. Зиявитдинов компьютер ва тикув машиналарини ўз эгаларига топширас экан, ҳукуматимиз томонидан ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишларни эътироф этиб ўтди ҳамда эртамиз эгаларига келгуси ҳаётларида билим ва малакаларини ошириб, давлатимиз ривожланишига муносиб ҳиссаларини қўшишларига тилак билдириди.

2023-07-21 19:03:37